

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

25 январь 2018 й.г. № 53

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг
замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Фермер хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари (кейинги ўринларда фермер хўжаликлари деб аталади) ва тўқимачилик саноати корхоналари ўртасида бозор муносабатларини шакллантириш, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш асосида юқори қўшилган қийматга эга рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Тўқимачилик саноати корхоналари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг 2018 йил пахта хомашёси ҳосили доирасида синаб кўришни ҳисобга олган ҳолда 1-иловага мувофиқ рўйхат бўйича худудларда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин ҳамда ушбу ишлаб чиқаришни тўқимачилик саноати корхоналари (кейинги ўринларда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчилари деб аталади) ҳамда фермер хўжаликлари ўртасида пахта хомашёсини етиштириш ва етказиб бериш юзасидан тўғридан-тўғри контрактация шартномасини тузиш асосида ташкил этиш назарда тутилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчилари ер, сув ва бошқа ресурслардан самарали ҳамда оқилона фойдаланишга, ҳосилдорликни оширишга ва етиштириладиган пахта хомашёсининг ўз вақтида йиғиб-териб олинишига кўмаклашади, шунингдек, унинг чуқур қайта ишланишини ва юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилишини таъминлайди;

лизинг асосида қишлоқ хўжалиги техникаси харид қилиш, минерал ўғитлар, уруғлик, ёқилғи-мойлаш материаллари, ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари ва бошқа материал ресурслар етказиб бериш бўйича фермер хўжаликлари учун назарда тутилган шартлар ҳамда тартиб пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчиларига татбиқ этилади;

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши доирасида ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилган пахта толаси ихтиёрий асосда сертификатланади;

ишлаб чиқарилган пахта толасининг ўз ишлаб чиқариш қувватлари эҳтиёжларидан ошадиган ҳажмлари пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчилари томонидан тўғридан-тўғри контрактлар ёки биржа савдолари орқали бошқа маҳаллий истеъмолчиларга сотилади;

пахтадан олинган чигит пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчиси томонидан маҳсулотни қайтариш асосида ёғ-мой корхоналарига, ёғ-мой маҳсулотини кейинчалик биржа савдолари орқали реализация қилиш шarti билан, қайта ишланган чигит чиқиндилари (шрот, шелуха) эса тўғридан-тўғри шартномалар бўйича биринчи навбатда, фермер хўжалиқларига, шунингдек, бошқа маҳаллий истеъмолчиларга сотилади;

қўшимча маҳсулотлар (линт, ўлик пахта ва бошқалар) пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчиси томонидан маҳаллий истеъмолчиларга биржа савдолари орқали сотилади;

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчиси томонидан харид қилинадиган пахта хомашёси нархи фермер хўжалиқларининг рентабеллиги ҳисобга олиниб, агротехнологик хариталар асосида шакллантириладиган харажатлардан келиб чиққан ҳолда шартнома асосида белгиланади ва давлат эҳтиёжлари учун белгиланган нархлардан паст бўлмаслиги лозим.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда ўн кун муддатда фермер хўжалиқлари рўйхатини белгиласинлар ҳамда уларга пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчилари билан контракция шартномаларини тузишда амалий ёрдам кўрсатсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси билан биргаликда фермер хўжалиқлари ҳамда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчилари ўртасида пахта хомашёсини етиштириш ва етказиб бериш бўйича намунавий контракция шартномасини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин, унда жумладан фермер хўжалиқларининг ўз мажбуриятларини сўзсиз бажариши чораларини назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси шартномалар шартларининг сўзсиз бажарилиши, шунингдек, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши доирасида ерлардан самарали фойдаланилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

4. Белгилансинки:

фермер хўжалиқларига пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришининг тегишли ташкилотчилари томонидан контракция шартномасида назарда тутилган миқдорларда ва шартлар асосида аванс берилади;

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчилари 2018 йил мобайнида пахта хомашёсини етиштириш ва уларга етказиб беришни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағлари ҳисобидан ушбу қарорга 1-иловага мувофиқ хизмат кўрсатувчи тижорат банклари орқали кредитлар ажратади ва таъминот сифатида суғурта полиси тақдим этади;

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчиларига Жамғарма маблағлари ҳисобидан ажратиладиган кредитлар миқдорлари пахта хомашёсини етиштириш ва етказиб беришни молиялаштириш учун давлат буюртмаси доирасида пахта хомашёси сотадиган фермер хўжалиқлари учун амалдаги шартлар инобатга олинган ҳолда ҳисобланадиган ҳисоб-китоб эҳтиёжининг камида 60 фоизини ташкил қилади;

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчиларига кредитлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан йилига 3 фоиздан ортиқ бўлмаган фоиз ставкаси бўйича ва давлат буюртмаси доирасида пахта хомашёси сотадиган фермер хўжалиklarини молиялаштириш учун назарда тутилган шартлар асосида ажратилади;

фермер хўжалиklари билан харид қилинадиган пахта хомашёси қийматининг 90 фоиздан кам бўлмаган миқдори бўйича якуний ҳисоб-китоблар пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчилари томонидан 2018 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб декабрь ойигача, қолган қисми эса 2019 йилнинг 1 апрелигача амалга оширилади.

5. Жамғарма пахта-тўқимачилик ташкилотчилари учун фермер хўжалиklари томонидан пахта хомашёси етиштирилишини молиялаштириш бўйича амалдаги шартларни қўллаган ҳолда, агротехник тадбирларга мувофиқ кредит линиялари белгиланган тартибда ҳамда муддатларда очилишини таъминласин.

Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари комплекси (З.Т.Мирзаев), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги 2018 йил 1 февралгача Жамғарманинг 2018 йилги балансини тасдиқласин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши учун пахта хомашёси етиштириш мақсадида ажратиладиган маблағлар фермер хўжалигининг махсус ҳисобрақамига ўтказилади;

фермер хўжалиklarининг махсус ҳисобрақамларига тушадиган маблағлардан янги пахта хомашёси ҳосили етиштириш учун фақат зарур товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилиш учун фойдаланиш мумкин ва ҳисобрақамлар эгаларининг янги ҳосилни етиштириш билан боғлиқ бўлмаган илгари юзага келган мажбуриятларини қоплашга йўналтирилиши мумкин эмас;

пахта хомашёсини етиштириш ва етказиб беришга доир қўшимча харажатлар ҳамда фермер хўжалиklари учун қишлоқ хўжалиги техникаси харид қилиш харажатлари пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчилари томонидан ўз маблағлари ёки тижорат банкларининг тўқимачилик ҳамда тикувчилик-трикотаж маҳсулотлари етказиб бериш бўйича экспорт контрактлари кафолати остида ажратиладиган кредитлари ҳисобидан молиялаштирилиши мумкин;

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этадиган пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчилари ва фермер хўжалиklари оладиган ҳамда улар томонидан бериладиган, ўзлари ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни сотиш бўйича оборотлар билан боғлиқ бўлмаган пул маблағлари ва мулк, шунингдек, соф даромад тақсимоти солиқ солинадиган объектлар ҳисобланмайди.

7. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчиларига ҳудудлар шароитлари, экинларни илмий асосланган тарзда алмашлаб экиш, сув ва ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш, шунингдек, пахтанинг тозалигига риоя этилишини ҳисобга олган ҳолда, ғўзанинг селекция навларини мустақил равишда жойлаштириш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчиларига ҳудудлар шароитларини ҳисобга олган ҳолда, селекция навларини жойлаштириш бўйича тавсиялар берсин.

8. “Ўзпахтасаноат” АЖ пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчилари билан пахта хомашёси етиштириш бўйича контрактация шартномаси тузган фермер хўжаликларига белгиланган тартибда тасдиқланган навлар ҳамда ҳажмлар бўйича чигит етказиб берилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ва “Ўзпахтасаноат” АЖ пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши учун пахта хомашёсини қайта ишлаш юзасидан белгиланган асосли тарифларни пахта тозалаш корхоналари бўйича бир ой муддатда тасдиқласин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда ҳар бир фермер хўжалиги бўйича ирригация ҳамда мелиорация тизимларини мунтазам тозалаш, ерларни текислаш ва ернинг қаттиқ гипс қатламини очиш бўйича чуқур юмшатиш ишларини ташкил қилиш, шунингдек, пахта хомашёси етиштирадиган ва пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчиларига етказиб берадиган қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун узлуксиз сув таъминоти тадбирларининг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини таъминласинлар.

11. Белгилаб қўйилсинки, пахта хомашёсини дастлабки қайта ишлаш маҳсулотини қайтариш асосида пахта тозалаш корхонасида ёхуд пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчиларининг ўз корхонасида ёки улар томонидан ижарага олинган пахта тозалаш корхонасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси “Ўзпахтасаноат” АЖ ва “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ҳудудида жойлашган пахта тозалаш корхоналарини ва пахта тайёрлаш пунктларини хатловдан ўтказсин ва уларнинг ҳолатини баҳоласин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон Фармони билан ташкил этилган Пахта-тўқимачилик кластерларини ўрта муддатли истиқболда ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш бўйича ишчи комиссия (З.Т.Мирзаев):

2018 йил 1 мартгача бўлган муддатда - пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ҳудудида жойлашган пахта тозалаш корхоналарини ва пахта тайёрлаш пунктларининг техник ва молиявий ҳолатини баҳолаш асосида улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрласин ва киритсин, унда шу жумладан уларни пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчиларига ижарага беришни, тўловни бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда ёки инвестиция мажбуриятлари остида “нол” харид қиймати бўйича сотишни ёхуд қувватлардан маҳсулотини қайтариш шарти билан фойдаланишни назарда тутсин;

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкил этилиши мониторингини олиб бориш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳларни уч кун муддатда 2-иловага мувофиқ таркибда шакллантирсин;

2018 йил пахта хомашёси ҳосили яқунлари бўйича пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ва кластерларни ташкил этишга доир фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда пахта хомашёсини етиштириш ва етказиб беришни ташкил этишнинг бозор механизмини шакллантириш юзасидан таклифлар киритсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари комплекси (З.Т.Мирзаев) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки билан биргаликда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687-сон қарорида назарда тутилган шартларда амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштириш учун уларга кредит линиялари ажратиш, шу жумладан, асбоб-ускуналар импорт қилиш учун уларга Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараккиёт жамғармаси томонидан тижорат банклари билан биргаликда молиялаштириш шартларини татбиқ этиш тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритсин.

13. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкилотчилари томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган, божхона тўловлари тўлашдан 2020 йил 1 январгача бўлган муддатга озод қилинадиган (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно) хомашё, материаллар, техника, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар рўйхати 3-илова*га мувофиқ тасдиқлансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т.Мирзаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ бошқаруви раиси Н.С.Отажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов

* 3-илова рус тилидаги матнда берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 25 январдаги
53-сон қарорига
1-илова

2018 йилда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкил этиладиган ҳудудлар
РЎЙХАТИ

Т/р	Минтақа, туман	Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришининг ташкилотчилари	Ер майдони, га	Хизмат кўрсатувчи банк
1	Қорақалпоғистон Республикаси, Элликқалъа тумани	«Бостон кластер» МЧЖ	11 700	«Ўзмиллийбанк»
2	Анджон вилояти, Қўрғонтепа тумани	«Хантекс» МЧЖ	9 225	«Ўзмиллийбанк»
3	Анджон вилояти, Балиқчи тумани	«Digital Prime Textile» МЧЖ	10 400	«Ўзсаноатқурилишбанк»
4	Жиззах вилояти, Ш.Рашидов тумани	«Ҳаётбек текстиль» МЧЖ	3 500	«Асака» банки
5	Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани; Сурхондарё вилояти, Ангор тумани	«Ғузор Текстиль Импекс» МЧЖ	13 500	«Ўзмиллийбанк»
6	Наманган вилояти, Учқўрғон тумани	«Textile Finance Namangan» МЧЖ ХК	9 836	Ипотека банк, Инфин банк
7	Навоий вилояти, Навбахор ва Конимех туманлари	«Навбахор текстиль» МЧЖ	8 422	«Асака» банки

Т/р	Минтақа, туман	Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришининг ташкилотчилари	Ер майдони, га	Хизмат кўрсатувчи банк
8	Навой вилояти, Хатирчи, Қизилтепа ва Кармана туманлари	«Бахт текстиль» МЧЖ (Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 мартдаги 158-сон қарорига мувофиқ Қизилтепа туманида ажратилган 10 минг гектар ерни ҳисобга олган ҳолда)	25 378	«Ўзмиллийбанк»
9	Самарқанд вилояти, Нарпай тумани	«Мароканд Сифаг» МЧЖ	7 000	«Ўзмиллийбанк»
10	Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани	«Шеробод текстильинвест» МЧЖ	11 810	«Ўзмиллийбанк»
11	Тошкент вилояти, Оқкўрғон тумани	«Аbc Oqqo'rg'on Agro Classter» МЧЖ	13 700	«Агробанк»
12	Фарғона вилояти, Риштон тумани	«Рус Ўзбектекс» МЧЖ	6 800	«Ўзмиллийбанк»
13	Хоразм вилояти, Шовот тумани	«Textile Finance Khorezm» МЧЖ ХК	9 630	Ипотека-банк, Инфин банк
Жами			140 901	

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 25 январдаги
53-сон қарорига
2-илова

**Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ташкил этилиши
мониторингини олиб бориш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳларнинг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. Лавозимига кўра – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят ҳокими, *ҳудудий ишчи гуруҳ раҳбари*
2. Лавозимига кўра – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, *ҳудудий ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари*
3. Лавозимига кўра – туман ҳокимлари
4. Лавозимига кўра – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар прокуратураси қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида қонунчилик ижро этилишини назорат қилиш бўлими бошлиғи
5. Лавозимига кўра – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи
6. Лавозимига кўра – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи
7. Лавозимига кўра – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи
8. Лавозимига кўра – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи
9. Лавозимига кўра – “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг масъул ходими
10. Лавозимига кўра – хизмат кўрсатувчи тижорат банки вилоят филиалининг бошқарувчиси